

**Раҳматуллаев М. А., Каримов У. Ф.,  
Атаджанов Ж. А., Атаджанов Б. А.,  
Исломова Ҳ. Э.**

**АХБОРОТ КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ  
АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ**

Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимидан  
фойдаланувчилар учун услугбий қўлланма

Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр

Тошкент-2014

78.30

**A 95**

Услубий қўлланма Тошкент Ахборот технологиялари университети Илмий кенгаши томонидан, “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” таълим йўналиши ва “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” магистратура мутахассислиги ҳамда “Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қошидаги ахборот ресурс марказлари ходимлари” учун услубий қўлланма сифатида нашрга тавсия қилинган.

**Масъул муҳаррир:** профессор Т. С. Нусратов

**Ахборот кутубхона муассасаларининг автоматлаштирилган тизими (ARMAT): услубий қўлланма / М. А. Раҳматуллаев, У. Ф. Каримов Ж. А. Атаджанов, Б. А. Атаджанов., X. Э. Исломова; масъул муҳаррир Т. С. Нусратов.- Тошкент:- E LINE PRESS. -2014.- 230 б.**

Услубий қўлланма “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ва магистратура мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистрантларга, АҚМ, АРМ ва кутубхоналарни ахборотлаштириш соҳасида ишлаётган мутахассисларга, докторант, илмий-тадқиқотчиларга мўлжалланган. АРМ фаолиятида асосий ахборот жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган ушбу тизим библиографик маълумотларни алмаштириш бўйича халқаро талабларга жавоб беради. Маълумотларни узатиш ва қайтариб олиш бўйича ISO 2709 халқаро стандартини тўла қўллаб-қувватлайди.

Мазкур услубий қўлланма “Корпоратив ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими” номли услубий қўлланманинг муаллифлар томонидан кейинги йилларда олинган илмий ва янги технологик ечимлар асосида қайта ишланган ва тўлдирилган нашри ҳисобланади.

© Раҳматуллаев М.  
© Каримов У. Ф.  
© Атаджанов Ж. А.  
© Атаджанов Б. А.  
© Исломова X. Э.

## **Мундарижа**

Кириш.....	7
<b>1-Боб. АХБОРОТ КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ КОРПОРАТИВ ТАРМОҚДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ .....</b>	11
1.1. Корпоратив ахборот-кутубхона тизимларида йиғма электрон каталог яратишнинг мақсад ва вазифалари.....	11
1.2. ARMAT тизимиning афзаликлари.....	13
1.3. Тизимни ишга тушириш ва унинг бош саҳифаси.....	14
1.4. Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрни.....	16
1.4.1. Тизимни ахборот-кутубхона муассасасига мослаштириш.....	16
1.4.2. Каталоглаштирувчининг АИҮ тизимдан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш.....	17
1.5. “Қидириш” орқали топилган библиографик ёзувни ўзини маълумотлар базасига кўчириб ўтказиш.....	19
1.5.1. “Кенгайтирилган қидириш” орқали бошқа маълумотлар базасидан қидирилиб топилган библиографик ёзувни ўзининг маълумотлар базасига кўчириб ўтказиш.....	24
1.5.2. “Электрон каталог” орқали БЁларни бошқа маълумотлар базасидан қидириб топиб ўзини базасига юклаш.....	26
1.6. Тўлиқ матнли маълумотлар базасини экспорт/импорт қилиш.....	28
1.7. Тизимдан фойдаланувчининг шахсий электрон кабинети.....	34
1.8. ARMAT тизимида кўп аспектли қидирув бажариш.....	39
1.9. Китоб бериш ва қайтариб олиш билан шуғулланадиган ходимнинг автоматлаштирилган иш ўрни.....	43
1.10. Тизим администраторининг автоматлаштирилган иш ўрни.....	49
1.11. <b>Комплектаторнинг автоматлаштирилган иш ўрни.....</b>	51
1.12. Ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизимида библиографик маълумотларнинг хавфсизлигини таъминланиши .....	55
<b>2-Боб. ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ.....</b>	59

## **1-4китобларни каталоглаштириш түгрисида маълумот кушиш керак**

2.1.	Бир муаллифли китоб библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	75
2.2.	Икки муаллифли китоб библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	80
2.3.	Уч муаллифли китоб библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	84
2.4.	Тўрт ва ундан ортиқ муаллифли китоб библиографик тавсиф элементларини киритиш .....	89
2.5.	Қонунга оид материаллар (1-қисм) библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	94
2.6.	Қонунга оид материаллар (2-қисм) библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	98
2.7.	Диссертация автореферати библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	101
2.8.	Диссертация библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	105
2.9.	Нота нашрлари библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	110
2.10.	Электрон ресурс библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	114
2.11.	Патент хужжатларининг библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	118
2.11.1.	Муаллифлари тўрт ва ундан кўп бўлган патент хужжатларини каталоглаштириш.....	121
2.11.2.	Бир, икки, уч муаллифли патент хужжатларини каталоглаштириш.....	124
2.12.	Давлат стандартлари (ГОСТ) библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	127
2.13.	Карталарнинг библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	131
2.14.	Бир муаллифли (сарлавҳасида формула мавжуд) китоб библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	135
2.15.	Кўптомлик нашрларни каталоглаштириш технологияси.....	139
2.16.	Видеонашрларни каталоглаштириш.....	159
2.17.	Тасвирий нашрларни каталоглаштириш.....	163
2.18.	Умумий сарлавҳага эга бўлмаган турли муаллифлар	

	асарлари тўпламининг библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	167
2.19.	Умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўпламнинг библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	172
2.20.	Бир муаллифнинг умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўплами библиографик ёзувини шакллантириш.....	176
2.21.	Бир муаллифнинг умумий сарлавҳага эга бўлган асарлар тўпламини каталогглаштириш.....	180
2.22.	Энциклопедияларни каталогглаштириш.....	184
2.23.	Лўғатларнинг библиографик тавсиф элементларини киритиш.....	188
2.24.	Конференция материалларини каталогглаштириш.....	193
2.25.	Электрон каталог маълумотлар базасидаги библиографик ёзувларни таҳрирлаш	
2.26.	Электрон каталог базасини шакллантириш бўйича тавсиялар.....	197
<b>3-Боб.</b>	<b>ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....</b>	198
3.1.	Сканерлашда ишлатиладиган техника воситалари.....	198
3.2.	Матнларга ишлов беришга мўлжалланган дастурий воситалар.....	199
	Фойдаланилган адабиётлар.....	209

## **Шартли қисқартмалар**

- |            |               |   |   |
|------------|---------------|---|---|
| <b>1.</b>  | <b>АРМ</b>    | - | Ахборот-ресурс маркази  |
| <b>2.</b>  | <b>АКМ</b>    | - | Ахборот-кутубхона маркази   |
| <b>3.</b>  | <b>АИЎ</b>    | - | Автоматлаштирилган иш ўрни  |
| <b>4.</b>  | <b>АКАТ</b>   | - | Автоматлаштирилган кутубхона - ахборот тизими                                     |
| <b>5.</b>  | <b>ARMAT</b>  | - | Ахборот ресурс марказининг автоматлаштирилган тизими                              |
| <b>6.</b>  | <b>КАРМАТ</b> | - | Корпоратив ахборот-ресурс марказининг автоматлаштирилган тизими                   |
| <b>7.</b>  | <b>КБТ</b>    | - | Кутубхона библиографик таснифлагич  |
| <b>8.</b>  | <b>КШЭК</b>   | - | Китобхоннинг шахсий электрон кабинети   |
| <b>9.</b>  | <b>МББТ</b>   | - | Маълумотлар базасини бошқариш тизими  |
| <b>10.</b> | <b>МБ</b>     | - | Маълумотлар базаси  |
| <b>11.</b> | <b>MARC</b>   | - | Machine-Readable Cataloguing record – машина ўқий оладиган каталогглаштириш ёзуви |
| <b>12.</b> | <b>РЙЭКМ</b>  | - | Республика йиғма электрон каталоги маркази  |
| <b>13.</b> | <b>ШЭК</b>    | - | Шахсий электрон кабинет   |
| <b>14.</b> | <b>ИРБИС</b>  | - | Интеграллашган кутубхона ахборот тизими   |
| <b>15.</b> | <b>ЎУК</b>    | - | Ўнли универсал классификация  |
| <b>16.</b> | <b>ЙЭК</b>    | - | Йиғма электрон каталог  |
| <b>17.</b> | <b>ЭК</b>     | - | Электрон каталог  |

## **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ахолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори Ўзбекистонда янги типдаги ахборот-ресурс ва ахборот кутубхона марказлари ташкил қилишга кенг йўл очган бўлса [1], 2011 йил 13 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ахборот кутубхона муассасалари инфратузилмасини замон талаблари асосида янгидан ташкил қилишга хуқукий асос яратди [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги “2011-2015 йилларда ахборот коммуникацион технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот ресурслар билан хизмат кўрсатишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-И487 Қарори эса соҳани ривожлантиришга мўлжалланган Давлат дастурини тасдиқлаш ва амалга оширишга имконият яратди [3]. Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги қонун ва давлат дастури ҳамда соҳани ривожлантиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларини бажариш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йили 250 сонли ва 2013 йили 168 сонли буйруғлари чиқарилди.

“Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонунда [2] ахборот-кутубхона фаолиятининг асосий вазифалари қўйидагича белгиланган:

- ✓ фойдаланувчиларнинг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш;
- ✓ фойдаланувчиларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олиш эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ✓ миллий маданиятни тиклашга ва янада ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини сақлаш;
- ✓ ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланишини таъминлаш.

Янгидан ташкил қилинган ахборот-ресурс марказлари олдига қўйидаги вазифалар қўйилган:

- таълим муассасасининг ихтисослашувига мувофиқ асосан илмий-таълимга оид мазмундаги ахборот-кутубхона фондини шакллантиради ва унинг бут сақланишини таъминлайди;
- электрон кутубхона ва электрон каталогни шакллантиради;

- шахснинг маънавий бой ва баркамол ижодий ўсиши учун имкониятлар яратган ҳолда ўзидағи ва ўзидан узоқдаги ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш асосида Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросидан фойдаланувчиларни баҳраманд этади;
- ахборот-кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланишни таъминлайди;
- бошқа ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади;
- йиғма электрон каталогни шакллантиришда иштирок этади;
- маданий, таълим, ахборот дастурлари ва лойиҳаларини ҳамда бошқа дастурлар ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим, илмий муассасалар ва архивлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, миллий маданият марказлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиради.
- Ахборот-ресурс марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Юқорида келтирилган вазифаларни бажаришда ахборот кутубхона муассасаларини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий воситаларнинг роли катта. Кўлланмада ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими (ARMAT) маълумотлар базасини шакллантириш методикаси келтирилган.

Мазкур услубий қўлланманинг мақсади ахборот кутубхона муассасалари ходимлари ва ОЎЮ талабалари ҳамда ахборот кутубхона фаолияти билан шуғуланишни истаган коллеж ўқувчиларини автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими билан ишлашга ўргатиш, электрон каталог, йиғма электрон каталог маълумотлар базасини шакллантириш усулларини ўзлаштиришга кўмаклашишдан иборат. Услубий қўлланмада ахборот кутубхона хизматини локал ва корпоратив тармоқ асосида ташкил қилиш ва корпоратив ҳамкорлик режимида ишлаш тўғрисида ҳам маълумотлар берилган.

Мазкур услубий қўлланма “Корпоратив ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими” номли услубий қўлланманинг муаллифлар томонидан кейинги йилларда олиб борилган илмий изланишлар натижасида олинган янги технологик ечимлар асосида қайта ишланган ва тўлдирилган нашри хисобланади. Кўлланмада автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими KARMAT-Унинг янги версияси ARMAT-Унинг функционал имкониятлари тўғрисида маълумотлар берилган.

**Мазкур услубий қўлланмада аввалгисига қараганда қуидаги мавзулар кенгроқ ёритилди:**

1. Тизимни ахборот-кутубхона муассасасига мослаштириш.

2. Тўлиқ матнли маълумотлар базасини экспорт/импорт қилиш.
3. “Қидириш” орқали топилган библиографик ёзувни ўзини маълумотлар базасига кўчириб ўтказиш.
4. “Кенгайтирилган қидириш” орқали бошқа маълумотлар базасидан қидирилиб топилган библиографик ёзувни ўзининг маълумотлар базасига кўчириб ўтказиш.
5. “Электрон каталог” орқали БЁларни бошқа маълумотлар базасидан қидириб топиб ўзини базасига юклаш.
6. ARMAT тизимида кўп аспектли қидирув бажариш.
7. Комплектаторнинг автоматлаштирилган иш ўрнида нашриётларнинг йиғма электрон каталогидан фойдаланиш.
8. Каталоглаштирувчининг АИЎ тизимдан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш.
9. Видеонашрларни каталоглаштириш.
10. Тасвирий нашрларни каталоглаштириш.
11. Умумий сарлавҳага эга бўлмаган турли муаллифлар асарларининг тўпламини каталоглаштириш.
12. Умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўпламнинг библиографик тавсиф элементларини киритиш.
13. Бир муаллифнинг умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўплами библиографик ёзувини шакллантириш.
14. Бир муаллифнинг умумий сарлавҳага эга бўлган асарлар тўпламини каталоглаштириш.
15. Энциклопедияларни каталоглаштириш.
16. Лўғатларнинг библиографик тавсиф элементларини киритиш.
17. Конференция материалларини каталоглаштириш.
18. Электрон каталог маълумотлар базасидаги библиографик ёзувларни таҳрирлаш
19. Электрон ресурслар яратиш технологиялари.
20. Сканерлашда ишлатиладиган техника воситалари.
21. Матнларга ишлов беришга мўлжалланган дастурий воситалар.
22. Ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизимида библиографик маълумотларнинг хавфсизлигини таъминланиши.
23. Каталоглаштириш жараёнида баъзи маълумотлар тўлдирилган.
24. Сарлавҳа бўйича патент хужжатлари библиографик тавсиф элементларини киритиш.

25. Буюртмалар билан ишлаш, буюртманинг қабул қилинганлиги тўғрисида фойдаланувчига хабар бериш ва бажариш, берилган хужжатларни қайтариб олиш.
26. Қарздорлар билан ишлаш, фойдаланувчиларга берилган китоблар тўғрисида маълумот олиш.

Каталоглаштирилаётган хужжатларнинг кўринишига қараб MARC 21 формати майдон ва майдоностиларини тўлдириш усуллари берилган.

Мазкур услубий қўлланмада ARMAT тизимини ахборот кутубхона муассасаларида жорий қилишда маълумотномаларни тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрнида библиографик ёзувларни тахирлаш имконияти яратилиши муносабати билан услубий қўлланмада бир ёки бир неча библиографик ёзувларда йўл қўйилган хатоликларни тўғрилаш ҳақидаги маълумотлар келтирилди.

Кўлланма йиғма электрон каталог яратишда иштирок этувчи ахборот кутубхона муассасалари учун йўриқнома вазифасини ҳам бажариши мумкин. Кўлланмада автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларида ахборот хавфсизлиги масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Услубий қўлланма “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ва магистратура мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистрантларга, ахборот-кутубхона муассасаларини ахборотлаштириш соҳасида ишлаётган мутахассисларга, докторант ҳамда илмий-тадқиқотчиларга мўлжалланган. Кўлланма ARMAT тизими асосида электрон каталог базасини шакллантириш билан шуғулланаётган каталоглаштирувчиларга фойдали бўлишига умид қиласиз.

## **1.Боб. АХБОРОТ КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ КОРПОРАТИВ ТАРМОҚДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

### **1.1. Корпоратив ахборот-кутубхона тизимларида йиғма электрон каталог яратишнинг мақсад ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Конунида бир қатор янги тушунчалар келтирилган [2]:

- ❖ **ахборот-кутубхона ресурси** — моддий обьектда матн, овозли ёзув ёки тасвир тарзида қайд этилган ҳамда идентификациялаш, сақлаш ва фойдаланишни таъминлаш учун реквизитларга эга бўлган ахборот;
- ❖ **ахборот-кутубхона фаолияти** — ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона фондларини шакллантириш ва ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш бўйича фаолияти;
- ❖ **ахборот-кутубхона фонди** — тизимлаштирилган ахборот-кутубхона ресурсларининг мажмуси;
- ❖ **ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш** — фойдаланувчиларнинг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш;
- ❖ **йиғма электрон каталог** — ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон каталоглари мажмуси;
- ❖ **фойдаланувчи** — ахборот-кутубхона хизмати кўрсатилиши учун ахборот-кутубхона муассасасида рўйхатга олинган шахс;
- ❖ **электрон каталог** — тизимлаштирилган ахборот-кутубхона ресурслари рўйхатининг электрон шакли;
- ❖ **электрон кутубхона** — ахборот-кутубхона фондининг электрон шакли.

Корпоратив кутубхона тизимлари олдида турган муҳим масалалардан бири бу Йиғма электрон каталогни (ЙЭК) шакллантириш ва ундан барчанинг фойдаланишини таъминлашдир.

Йиғма электрон каталог – бу ахборот-кутубхона ресурси кўринишларидан бири бўлиб, у турли идораларга қарашли ўз ахборот-кутубхона ресурсларига эга ахборот кутубхона муассасаларининг ҳамкорлигига яратилади ва фойдаланилади.

ЙЭК яратишдан мақсад – ҳамкорликда нашрларни каталоглаштиришни ва классификациялаш, библиографик ёзувларни шакллантиришда такорлашга йўл қўймаслик, йиғма библиографик маълумотлар базасини қўллаб - қувватлаш ва унга он-лайн киришни ҳамда библиографик ёзувлар билан алмашинувни таъминловчи тақсимланган ахборот тизимини яратишдир.

Унинг фаолият юритиши Республикадаги ахборот-кутубхона тармоини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, ҳалқаро стандартлар ва хужжатларга асосланади ҳамда фуқароларни ахборот олишга бўлган ҳуқуқини таъминлайди.

ЙЭК яратиш ва ундан фойдаланиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ЙЭК консорциумга бирлашган ахборот-кутубхона муассасалари томонидан яратилади. Бу бирлашма кутубхоналар бирлашмасининг энг самарали шаклидир.

ЙЭК (кейинги ўринларда – Консорциум) яратиш ва ундан фойдаланиш бўйича ахборот кутубхона муассасаларининг консорциуми ахборот кутубхона муассасаларининг ихтиёрийлик асосидаги бирлашмаси бўлиб, у ҳамкорликда электрон библиографик ресурслар яратиш ва биргаликда улардан фойдаланиш ғоясига асосланган. Консорциум фақат ЙЭК ривожлантириш эмас, балки, бошқа масалаларни ҳам ҳал қилишни мақсад қилиб қўйиши мумкин.

ЙЭК Консорциум иштирокчилари бўлмиш барча ахборот кутубхона муассасалар - иштирокчиларнинг умумий мулки ҳисобланади. Консорциум ўз фаолиятини ахборот-кутубхона фаолиятини тартибга солувчи Низом асосида ташкил этади.

ЙЭК маълумотлар базаси қандай шакллантирилади ва унда қандай кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларига ишлов берилади?

ЙЭК маълумотлар базасини шакллантириш ахборот-кутубхона муассасалари ахборот-кутубхона фондига келиб тушаётган ахборот-кутубхона ресурслари тўғрисидаги библиографик ахборотларни автоматлаштирилган тарзда йиғиш, ишлов бериш, сақлаш орқали амалга оширилади. Консорциум иштирокчиларининг барчаси MARC21, UNIMARC, RUSMARC форматларини қўллаб-қувватловчи автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларидан фойдаланишлари шарт.

ЙЭК нима учун яратилади?

ЙЭК яратишнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагича:

1. Республиканинг ахборот ресурсларига эркин киришни, ахборот кутубхона муассасаларининг ЙЭК ва корпоратив тармоғи орқали қандай ахборот кутубхона ресурси қайси ахборот кутубхона муассасаларида мавжудлиги тўғрисида маълумот бериш ва унга кириш шартларини таъминлаш;
2. Электрон каталоглаштиришда такрорлашларни олдини олиш;
3. Фойдаланувчиларига ахборот кутубхона хизматларининг комплексини тақдим қилиш. (Ахборот ресурсларига масофадан киришни таъминлаш, статистик маълумотномаларни юритиши ва бошқалар);

4. Билимларнинг барча соҳалари бўйича сифатли библиографик маълумотларни тезкор тақдим қилиш;
5. Жойлашган жойидан қатъий назар барчани ахборотлар билан таминлаш принципини амалга ошириш;
6. Ахборот ресурсларига руҳсатсиз киришни олдини олиш ва ахборотларни ҳимоя қилишни таъминлаш. ЙЭК маълумотлар базасини қўллаб- қувватлаш юқори малакали администратор томонидан бажарилиши туфайли маълумотларни ўчиб кетишининг олди олинади.

## **1.2. ARMAT тизимиning афзалликлари**

Ахборот-ресурс марказининг автоматлаштирилган тизими ахборот кутубхона муассасаларидағи асосий ахборот жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган. Тизимнинг ички формати MARC 21 формати асосида яратилган. Тизим интерфейси уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз) яратилган. Тизимдан фойдаланиш қулай бўлиб, у қуйидаги афзалликларга эга [4]:

1. Корпоратив каталогглаштириш технологиясининг мавжудлиги: тайёр библиографик ёзувлардан фойдаланиб тезда ва сифатли ўз ЭК базасини шакллантириш имкониятини яратади.
2. Тизимда китобхонларга масофадан хизмат кўрсатиш технологиясини амалга оширилганлиги: китобхонларнинг бевосита кутубхонага келмасдан электрон каталогдан фойдаланиб ва фойдаланмай буюртмалар бериш ва буюртмаларни қабул қилинганлиги, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни олиш имкониятини яратган.
3. Тизим библиографик тавсиф яратишида Ўзбекистонда ишлаб чиқилган (халқаро) стандартлар тизимига риоя қиласи.
4. Тизим ишлатиш учун жуда қулай бўлиб, у Ўзбекистон кутубхоначиларининг бугунги кундаги малака ва кўникмаларини эътиборга олиб яратилган.
5. Тизимдан фойдаланувчилар учун содда ва барчага тушунарли тилда мультимедиали услубий қўлланма яратилган.
6. Тизимни татбиқ қилиш, АҚМ, АРМ ва кутубхона ходимларини тизимни бошқаришга ўргатиш мақсадида маҳсус ўқув курслари ташкил қилинган. Келажакда масофадан ўқитиш тизимини ишга тушириш мўлжалланмоқда.
7. Тизим таркибиға киритилган майдонларни яратувчи маҳсус “Конструктор” ихтиёрий типдаги ва керакли хоссага эга бўлган майдонларни

туза олади. Бу эса ўз навбатида ички ва ташқи форматларни кутубхона технологияларига мослаб лойихалаш имкониятини яратади.

8. Электрон каталог базасини шакллантирувчи каталогглаштирувчи учун ЭК майдонларига киритилаётган маълумотлар тўғрисида ахборот (ёрдам) берилган. Майдонга киритилаётган маълумотлар шакли мисоллар орқали кўрсатилган.

9. Электрон каталог базасини шакллантиришда маълумотномалар (динамик базалар)дан фойдаланиш ЭК базасини тўлдириш жараёнини тезлаштиради ва тайёр маълумотлардан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги туфайли хатоликлар камаяди.

10. Тизим ахборотларни АКАТ базасига киритишида ва уларни тармоқ бўйича узатишда халқаро кутубхона-библиографик ва коммуникатив форматларни, таснифлаш тизимлари ҳамда кодлаштириш қоидаларини (КБТ, ЎУК, UNIMARC, MARC21, USMARC ва бошқаларни) қўллаб-куватлайди. Бу эса ўз навбатида бошқа тизимлардан библиографик ёзувларни кўчириб олиш ва жаҳон ахборот-кутубхона тармоғи билан интеграллашувига имконият яратади.

11. Тизим электрон каталогига кўп томлик китоблар ва даврий нашрлар библиографик тавсиф элементларини киритишида ўзига хос технологияга эга.

12. Маълумотлар базасига рухсатсиз киришни олдини олувчи технологиялардан кенг фойдаланилган.

13. SQL-инекциядан сақланишнинг турли хил усусларидан фойдаланилган.

14. «PDO – PHP Data Objects –бир неча маълумотлар базалари билан ишлашнинг универсал усусларидан фойдаланилган.

### **1.3. Тизимини ишга тушириш ва унинг бош саҳифаси**

Тизим локал ва глобал тармоқларда, IBM PC компьютерларининг Windows XP операцион тизимида ишлай олади. Тизим аппарат воситаларига нисбатан ҳеч бир қўшимча талаблар қўймайди.

Тизимнинг дастурий таъминоти PHP технологиясида, маълумотлар базаси сифатида эса МБТ (маълумотлар базасини бошқариш тизими) MySQL ишлатилган. Бундан ташқари тизимни ишлатиш учун Apache веб сервери керак бўлади. Юқорида санаб ўтилган Apache веб сервери, PHP технологияси ва МБТ MySQL ларнинг барчаси очиқ системалардир, яъни ишлатиш ва ўзгартириш бепул. Ҳозирда юқоридаги тизимларнинг барчаси ARMAT тизими таркибига компонент сифатида киритилган. Тизим керакли дастурларни созлаш ва ўрнатишини автоматик тарзда бажаради,

фойдаланувчидан уларни ўрнатиш ёки созлаш каби ишларни бажариш талаб қилинмайди.

- Тизим электрон каталогининг маълумотлар базаси адабиётларнинг библиографик ва технологик тавсифидан иборат бўлиб, баъзи бир ҳолларда библиографик тавсифга тўлиқ матн ҳам боғлаш имконияти яратилган;

- Агар библиографик ёзувга адабиётнинг тўлиқ матни киритилган бўлса, у ҳолда ўша тўлиқ матн форматини кўрсата оладиган матн муҳаррирлари керак бўлади (агар тўлиқ матн \*.doc форматида бўлса, Microsoft Word матн муҳаррири, \*.pdf форматида бўлса, Acrobat Reader дастурий таъминотлари керак бўлади);

- Тизим электрон каталогини самарали шакллантириш учун маҳсус динамик ва статик луғатлардан фойдаланилган (нашриётлар, шаҳарлар номлари, нашрларнинг асосий матн тиллари, индивидуал шахслар номлари, КБК ва УЎК индекслари, муаллиф белгиси ва бошқалар).

Тизимни ишга тушириш учун Иш столининг пастки қисми ўнг томонида пайдо бўлган  пиктограммага сичқончанинг ўнг тугмаси билан чертилади. Натижада, “Ochish” ва “Chiqish” сўзлари ёзилган панел пайдо бўлади. “Ochish” сўзига сичқонча билан чертиш натижасида ARMAT тизими ишга туширилади. Тизим ишини тугаллаш учун “Chiqish” сўзига сичқонча билан чертиш кифоя. Тизимнинг бош сахифаси қуидаги 1-расмда келтирилган.

### Тизимнинг бош сахифаси



1-расм.

Тизимдан фойдаланувчилар “Qidirish” ва “Kengaytirilgan qidirish” тумаларини чертиб библиографик тавсиф элементлари бўйича қидириш имкониятини берувчи сахифага ўтишлари мумкин (2-расм).

Avtorlashtirish

Login:

Parol:

Ushutdingizmi? Kirish »

Menu

Qidirish

Kengaytirilgan qidirish

Muassasa:

Muallif:  Boshlanadi ▾

Sarlavha:  Boshlanadi ▾

Kalit soʻz:  Boshlanadi ▾

RNTI:

Mavzular boʻyicha qidirish:

Nash etilgan yil:

Natijalar soni:  10 ▾

Mantiqiy amallar ▾

## 2-расм.

Интерфейсдаги “Muassasa” майдонига маълумотномадан керакли АРМ ёки АКМ номи танланади ва “Qidirish” тугмаси босилади. Натижада, қидирилаётган АРМ ёки АРМга тегишли бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўламиз.

#### 1.4. Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрни

*Каталоглаштирувчининг АИЎ* асосан тизимнинг электрон каталоги (ЭК) базасини шакллантиришга мўлжалланган бўлиб, бу ерда кутубхона фондига келиб тушаётган адабиётларга библиографик ишлов бериш, библиографик ёзувларни импорт қилиш ва китобхонларнинг электрон формуляри яратилади. Маълумотлар ЭК базасига клавиатура ёрдамида қўлда терилиб, киритилади ва айни пайтда ЭК базасини шакллантиришда аввалдан тайёрланган библиографик ёзувлар базасидан ўз ЭК базасини яратишда фойдаланиш имконияти ҳам яратилган. Демак, ARMAT тизими билан ишлайдиган АКМ, АРМ ва кутубхоналар ўз ЭК базаларини шакллантиришда тайёр электрон библиографик ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса ўз навбатида ЭК яратиш жараёнини тезлаштиради, унинг сифатли бўлишига олиб келади. Фонддаги бир китобнинг библиографик тавсиф элементларини ЭК базасига киритиш учун ўртacha 15-25 дақиқа сарф бўлаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, ARMAT тизимидан фойдаланишининг нақадар афзаллигини тушуниб етамиз. Тизим Web технологияларининг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб яратилганлиги туфайли ARMATнинг махсус модули АКМ, АРМ ва кутубхоналарнинг электрон

библиографик ресурсларини Интернет тармоғида тақдим қила олади [4,5,6,7,8].

Каталоглаштирувчининг АИЎ асосан уч функцияни бажаради: китобхонлар тўғрисидаги маълумотларни ва АРМ фондидаги хужжатларнинг библиографик тавсиф элементларини электрон каталог базасига киритади, яъни электрон каталог базасини шакллантиради ҳамда тайёр библиографик ёзувларни тегишли маълумотлар базасига импорт қилиб олади. Агарда, тавсифланаётган китобнинг электрон шакли мавжуд бўлса, тизимда тўлиқ матнли маълумотлар базаси шакллантирилади. Тўлиқ матн қуидаги форматларда сақланган бўлиши мумкин:



Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрнини ишга тушириш учун “Login”, “Parol” майдонларига мос равишда “cat” “11” қийматларини берамиз.

АРМни замонавий талаблар асосида ташкил қилишда унинг электрон каталоги базасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зоро, электрон каталог, АРМнинг энг муҳим элементи ҳисобланади. АРМ фондини локал ва глобал тармоқларда тақдим қилиш, буюртмалар бериш, уларни автоматик равишда ҳисобга олиш, китоб бериш ва қайтариб олиш, АРМ статистикасини юритиш АРМ фондини тўлдириш каби бир қатор жараёнларнинг автоматлаштирилишида ЭК энг асосий роллардан бирини ўйнайди. Шунинг учун ҳам АРМ электрон каталогини шакллантириш анаънавий кутубхонани ахборот-ресурс марказига айлантиришдаги дастлабки қадамлардан бири ҳисобланади.


#### **1.4.1. Тизимни ахборот-кутубхона муассасасига мослаштириш**

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини ахборот кутубхона муассасалари қошидаги АРМга жорий қилиш учун дастлаб, тизим таркибидаги маълумотномалар базасига жорий қилинаётган ташкилот тўғрисидаги маълумотларни киритишдан бошлаш зарур. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими таълим муассасаси таркибидаги ахборот ресурс марказига жорий қилинаётганда, автоматлаштирилган тизим таркибидаги “Фанлар”, “Факультет”, “Кафедра”, “Гурух”, “Фонд номлари” маълумотномалар

таркибидаги маълумотлар ҳар бир таълим муассасасининг ўзи учун алоҳида мавжуд бўлади.


Маълумотномалар базасига таълим муассасасига оид маълумотларни киритиш автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимидағи “Каталоглаштирувчи”нинг автоматлаштирилган иш ўрнида бажарилади. Қуйида ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизимини (АРМАТ) аниқ бир таълим муассасасига мослаштиришни кўриб чиқайлик.

АРМАТ дастури ишга туширилгач, унинг бош саҳифасидаги “Логин” ва “Парол” майдонлариға мос равишда “cat” ва “11” қийматларни киритамиз ва “Кириш” тугмасини босамиз (3-расм).



3-расм. Тизимнинг бош саҳифасидан автоматлаштирилган иш ўринлариға кириш.

Натижада Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрнига кирамиз (4-расм).



4-расм. Каталоглаштирувчининг АИЎ менюси.

Бу ердаги “Маълумотномалар” тугмасини босиши орқали маълумотномалар базалари билан ишлайдиган деразага ўтиш имкониятига эга бўламиз (5-расм).



Ishchi sahifa: Jurnal yoki gazetaning um ▾ Katalog: Эркин Вохидов

Bosh kataloglashtiruvchi ↲  
Katalogizator [Chiqish »](#)

Menu ↲  
Kataloglashtirish  
▣ Avtoritet fayllar  
▣ Ma'lumotnomalar  
▣ Elektron katalog  
▣ Kitobxonlar  
  
▣ Import  
▣ Qidirish

Ma'lumotnama

Kod	Nomi	
fanlar	Fanlar	
inv_base	Fond nomlari	
r_faculty	Kitobxonlar fakultetlari	
r_group	Kitobxonlar guruhlari	
r_kafedra	Kitobxonlar kafedrali	

5-расм. Тизимни аниқ бир АРМга мослаштириш учун тўлдирилиши зарур бўлган маълумотномалар.

Бу ердаги “Fanlar”, “Fond nomlari”, “Kitobxonlar fakultetlari”, “Kitobxonlar guruhlari” ва “Kitobxonlar kafedrasi” маълумотномаларини тўлдиришни кўриб чиқайлик.

Дастлаб, “Fanlar”, маълумотномасини тўлдиришни кўриб чиқамиз. Бунинг учун “Fanlar”, сўзининг ўнг томонидаги тугмачага сичконча билан чертамиз (6-расм). Натижада “Fanlar”, маълумотномасини тўлдириш имкониятини берувчи саҳифага ўтамиз (7-расм).



Ishchi sahifa: Jurnal yoki gazetaning um ▾ Katalog: Эркин Вохидов

Bosh kataloglashtiruvchi ↲  
Katalogizator [Chiqish »](#)

Menu ↲  
Kataloglashtirish  
▣ Avtoritet fayllar  
▣ Ma'lumotnomalar  
▣ Elektron katalog  
▣ Kitobxonlar  
  
▣ Import  
▣ Qidirish

Ma'lumotnama

Kod	Nomi	
fanlar	Fanlar	
inv_base	Fond nomlari	
r_faculty	Kitobxonlar fakultetlari	
r_group	Kitobxonlar guruhlari	
r_kafedra	Kitobxonlar kafedrali	

6-расм. “Fanlar” маълумотномасини тўлдиришга кириш.



7-расм. “Fanlar” маълумотномасининг бош саҳифаси.


Бу ердаги “+” белгисига сичқонча билан чертсак таълим муассасаси ўкув режасидаги фанлар рўйхатини шакллантиришга имконият яратадиган деразага ўтамиз (8-расм).

8-расм. “Fanlar” маълумотномасининг умумий кўриниши.

“Fanlar” маълумотномаси тўртта блокга ажратилган бўлиб, ҳар бир блокга тегишли фанлар алоҳида номерланади ва киритилади. Биринчи ва иккинчи блокларга тегишли фанлар барча таълим муассасалари учун бир хил бўлгани учун улар бирлаштирилган. Умумкасбий, ихтисослик ва қўшимча фанлар ҳар бир таълим муассасаси учун ўзига хос.

Куйида “Умумкасбий фанлар” блокига “Ахборот технологиялари” номли фанни қўшишни кўриб чиқамиз.

Маълумотномага янги фан қўшиш қуйидагича амалга оширилади. Код майдонига 0203 қиймати, номи майдонига “Ахборот технологиялари” қиймати қўлда киритилади. “Қайси иерархияга мансуб” майдонига қиймат бериш учун майдоннинг ўнг томонидаги тутмачага сичқонча билан чертиб очилган деразадаги тўртта фанлар блокидан кераклиси танланади. Яъни “Умумкасбий фанлар” ёзувига сичқонча билан чертилади. Бунда шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки “Қайси иерархияга мансуб” майдонига қиймат қўлда киритилмайди ва бу майдонга 01, 02, 03, 04 қийматлар берилмайди. Чунки, бу қийматлар фан блокларини белгилаш учун аввал ишлатилган (9-расм).



9-расм. Фанлар блокидан тегишилсисини танлаш.

Уччала майдон тўлдирилгач “Қўшиш” тугмаси босилади (10-расм).

Kod	0203
Nomi	Aхборот технологиялари
Qaysi ierarxiyaga munosib	02

Qo'shish      Tozalash

10-расм. Умумкасбий фанлар блокига “Ахборот технологиялари” фанини қўшиш.

Шундай қилиб, биз “Фанлар” маълумотномасидаги “Умумкасбий фанлар” блокига “Ахборот технологиялари” фанини қўшишни кўриб чиқдик. Бошқа фанлар ҳам тегишли фан блокларига юқорида кўрсатилгандек киритилади.

### ***Фонд номлари маълумотномасини шакллантириши***

Бизга маълумки, ахборот ресурс марказининг фондлари бир неча бинода сақланса, турли биноларда жойлашган фонд номларини тизимнинг электрон каталогида кўрсатиш керак бўлади. Масалан, ахборот ресурс марказининг асосий фонди таълим муассасасининг бош биносида жойлашган бўлиши ва таълим муассасасининг бошқа бир неча биноларида (талабалар турар жойида, факултет жойлашган биноларда) бир қанча фондлар жойлашган бўлиши мумкин. Тизим электрон каталогига киритилаётган ҳар бир китоб қайси фондда турганлигини кутубхоначи ва китобхон билиши керак. Турли АРМларда фондлар турлича ташкил қилинади ва номланади. АРМАТ тизими АРМга жорий қилинаётганда АРМдаги фонд номлари тизимнинг “Фонд номлари” номли маълумотномада акс эттирилиши керак.

Қуйида АРМдаги фонд номларини тизимнинг электрон каталог маълумотномасига киритишни кўриб ўтамиз.

- Каталогизаторнинг АИЎдаги менюсидан “Маълумотномалар” номли тугмачани сичқонча ёрдамида чертамиз ва очилган интерфейсдан “***Fond nomlari***” маълумотномасини шакллантириш учун ёрлигини босамиз (11-расм).

Kod	Nomi	
fanlar	Fanlar	
inv_base	Fond nomlari	
r_faculty	Kitobxonlar fakultetlari	
r_group	Kitobxonlar guruhlari	
r_kafedra	Kitobxonlar kafedrali	

11-расм.“Fond nomlari” маълумотномасини тўлдиришга кириш.

- Хосил бўлган фонд номлари маълумотномасининг интерфейсида янги фонд номини қўшиш учун “Yangi ma'lumotnomma qo'shish” саҳифасидаги майдонлар тўлдирилади (12-расм).

Kod	Nomi	Nomi (ruscha)		
001	Талабалар турар жойи №1 ОБШ №1	Основной фонд		
002	Асосий фонд	Основной фонд		
003	Талабалар турар жойи №2 Талабалар турар жойи №2	Талабалар турар жойи №2		

Yangi ma'lumotnomma qo'shish

Kod  
Nomi  
Nomi (ruscha)  
Tartib

Qo'shish Tozalash

12-расм. Янги фонд номини қўшиш.

- Фараз қиласли, “Ўқув зали” номли фонд номини киритайлик. Бунинг учун дастлаб, “Kod” майдонига тегишли такрорланмас код номерини киритамиз. Сўнгра, “Nomi” майдонига фонд номининг ўзбекча шакли, “Nomi (ruscha)” майдонига эса фонд номининг рус тилидаги таржимаси ёзилади. “Tartib” майдонига эса яратилаётган маълумотноманинг тартиб рақами киритилади. Янги киритилган

маълумотномани сақлаш учун “Qo’shish” тугмачасини чертамиз (13-расм).

13-расм. Янги фонд номини сақлаш.

Шундай қилиб, юқорида фонд номлари маълумотномасини шакллантиришни кўриб чиқдик.

### **Китобхонлар факултетлари маълумотномасини шакллантириш**

Китобхонларни рўйхатга олишда китобхон таълим олаётган Олий ўкув юрти факултет номларининг маълумотномасидан фойдаланилади. Бунинг учун “факультет номлари” маълумотномасини шакллантириш лозим. Автоматлаштирилган аҳборот кутубхона тизимидағи Каталоглаштирувчининг АИЎга кирамиз. Китобхонлар факултетлари маълумотномасини шакллантириш мақсадида менюдан “Ma`lumotnomalar” ни танлаб, уни сичқонча билан чертамиз. Очилган тизим интерфейсидан “Kitobxonlar fakultetlari” нинг ўнг томонида жойлашган “Ma`lumotnomalar” номли ёрлиқни чертамиз (14-расм).

Kod	Nomi	
fanlar	Fanlar	
inv_base	Fond nomlari	
r_faculty	Kitobxonlar fakultetlari	
r_group	Kitobxonlar guruhlari	
r_kafedra	Kitobxonlar kafedrali	

14-расм. Китобхонлар факултетлари маълумотномасига кириш.

Ҳосил бўлган тизим интерфейсида китобхонлар факултетлари маълумотномасини шакллантириш учун “Yangi ma'lumotnoma qo'shish” сахифасидаги майдонлар тўлдирилади (15-расм).

The screenshot shows a software application window. On the left, there's a sidebar with 'Bosh kataloglashtiruvchi' at the top, followed by 'Katalogizator Chigish >'. Below this is a 'Menu' section with several items: 'Avtoritet fayllar', 'Ma'lumotnomalar', 'Elektron katalog', 'Kitobxonlar', 'Tahrirlash', 'Import', 'Qidirish', and 'Kengaytirilgan qidirish'. The main area is titled 'Ma'lumotnoma (Kitobxonlar fakultetlari)'. It displays a table with three rows:

Kod	Nomi	Nomi (ruscha)		
001	Аҳборот технологиялари	Информационные технологии		
002	Бугалтерия ҳисоби	Бухгалтерский учет		
003	Молия	Финансы		

A red arrow points downwards from the bottom of the table towards the 'Yangi ma'lumotnoma qo'shish' (New information form) section.

**Yangi ma'lumotnoma qo'shish**

Kod	<input type="text"/>
Nomi	<input type="text"/>
Nomi (ruscha)	<input type="text"/>
Tartib	<input type="text"/>

**Qo'shish** **Tozalash**

15-расм. “Yangi ma`lumotnoma qo`shish” саҳифаси.

Жумладан:

- ✓ “Kod” майдонга маълумотноманинг кейинги тартиб рақами киритилади. (16-расм). Масалан: **004**.  
Эслатма: тартиб рақами тақрорланмаслиги керак.

**Yangi ma'lumotnoma qo'shish**

<b>Kod</b>	<input type="text" value="004"/>
<b>Nomi</b>	<input type="text"/>
<b>Nomi (ruscha)</b>	<input type="text"/>
<b>Tartib</b>	<input type="text"/>

**Qo'shish** **Tozalash**

16-расм. “Kod” майдонни тўлдириш.

- ✓ “Nomi” майдонига китобхон таҳсил олаётган факултет номини ёзамиз (17-расм). Масалан: **Иқтисодиёт назарияси**

Yangi ma'lumotnoma qo'shish

Kod	004
Nomi	Иқтисодиёт назарияси
Nomi (ruscha)	
Tartib	

Qo'shish Tozalash

- 17-расм. “Nomi” номли майдонни тўлдириш.
- ✓ “Nomi (ruscha)” майдонига эса китобхон ўқиётган факултетнинг русча номини киритамиз (18-расм). Масалан: **Экономическая теория**

Yangi ma'lumotnoma qo'shish

Kod	004
Nomi	Иқтисодиёт назарияси
Nomi (ruscha)	Экономическая теория
Tartib	

Qo'shish Tozalash

- 18-расм. “Nomi (ruscha)” майдонини тўлдириш.
- ✓ “Tartib” майдонига киритилган маълумотномаларнинг тартиб рақамига қараган ҳолда навбадаги янги номерни ёзамиз ва маълумотномани сақлаш учун “Qo'shish” тутмачасини чертамиз (19-расм).

Yangi ma'lumotnoma qo'shish

Kod	004
Nomi	Иқтисодиёт назарияси
Nomi (ruscha)	Экономическая теория
Tartib	4

Qo'shish Tozalash

19-расм. Китобхон факултети маълумотномасини сақлаш.

Шундай қилиб, биз китобхонлар факултетлари маълумотномасини тўлдиришини кўриб чиқдик.

### ***Китобхонлар гурӯҳлари маълумотномасини шакллантириши***

Куйида таълим муассасасида таҳсил олувчи китобхонлар гурӯҳлари маълумотномасини шакллантиришини кўриб ўтамиз.

Каталогизаторнинг АИЎдаги менюсидан “Маълумотномалар” номли тугмачани сичқонча ёрдамида чертамиз ва очилган интерфейсдан “Kitobxonlar guruhlari” маълумотномасини шакллантириш учун ёрлигини чертамиз (20-расм).



20-расм. Китобхонлар гурухлари маълумотномасига кириш.

Китобхонлар гурухлари маълумотномасини шакллантириш учун “Yangi ma'lumotnoma qo'shish” сахифасидаги майдонлар юқорида таъкидлаб ўтганимиздек тўлдирилади ва сақлаш учун “Qo'shish” тугмачаси босилади (21-расм).

Kod	Nomi	Nomi (ruscha)		
0101	290-09	290-09		
0102	291-09	291-09		
0103	295-09	295-09		

Yangi ma'lumotnoma qo'shish

Kod	0104
Nomi	297-09
Nomi (ruscha)	297-09
Tartib	4

21-расм. Китобхонлар гурухлари маълумотномасини шакллантириш Бошқа маълумотномалар ҳам биз юқорида кўриб ўтганимиздек тўлдирилади.

#### 1.4.2. Каталоглаштиручининг АИЎ тизимдан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш

Каталоглаштирувчининг АИЎда тизимдан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш учун Каталоглаштирувчининг АИЎ чап томонидаги “**Kataloglashtiruvshi**” бўлимининг “**Kitobxonlar**” тугмачасини сичқонча ёрдамида чертамиз (22-расм), натижада очиладиган дераза (23-расм)даги “*Yangi kitobxon qo’shish*” тугмасини босамиз. Натижада, тизимда янги фойдаланувчини рўйхатга олиш имкониятини берувчи дераза очилади (24-расм).

The screenshot shows the 'APMAT' application interface. At the top, there is a logo consisting of four colored squares (green, yellow, blue, green) with the letters 'A', 'P', 'M', 'A', 'T'. Below the logo, the menu bar includes 'Ishchi sahifa: Журнал ёки газетанинг', 'Katolog: Президент асарлари', and language options 'Uzbekcha · Русский · English'. On the left, a sidebar menu is open under 'Bosh kataloglashtiruvchi'. It lists 'Katalogizator Chiqish >' and 'Menu'. Under 'Menu', there is a section titled 'Kataloglashtirish' with several items: 'Ma'lumotnomalar', 'Elektron katalog', 'Kitobhonlar', 'Qidirish', and 'Kengaytirilgan qidirish'. The main content area is currently empty.

22-расм.

The screenshot shows the 'Kitobxonlar bo'limi' section of the application. At the top, it displays 'Ishchi sahifa: Журнал ёки газетанинг', 'Katolog: Президент асарлари', and language options 'Uzbekcha · Русский · English'. The main content area is titled 'Yangi kitobxon qo'shish' and contains a table with the following data:

Kod	Bilet raqami	Muassasa	F.I.O.	Kategoriysi		
53	666	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Кодиров Р.М.</a>	Aspirant		
39	0000	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Islomova Н.Э.</a>	Магистрант		
65	12456	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Уйнинмнх</a>	Aspirant		
55	4	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Алимов М.</a>	Talaba		
30	00000	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Атаджанов Жасур Абдушарипович</a>	Aspirant		
14	000	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Каримов У.Ф.</a>	Доцент		
66	88	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Каримов Улугбек</a>	Доцент		
52	555	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Каримов Улугбек Фозилович</a>	Доцент		

23-расм.

**Yangi kitobxon qo'shish**

<b>Bilet raqami</b>	<input type="text"/>
<b>F.I.O.</b>	<input type="text"/>
<b>Parol</b>	<input type="text"/>
<b>Manzil</b>	<input type="text"/>
<b>Elektron pochta</b>	<input type="text"/>
<b>Tug'ilgan sana</b>	<input type="text"/>
<b>Jinsi</b>	Aēn
<b>Kategoriysi</b>	Aspirant
<b>Muassasa</b>	Ryekm
<b>Fakultet</b>	<input type="text"/>
<b>Kurs</b>	<input type="text"/>
<b>Guruh</b>	<input type="text"/>
<b>Passport raqami</b>	<input type="text"/>
<b>Telefon raqami</b>	<input type="text"/>
<b>Photografiya</b>	<input type="file"/>
<input type="button" value="Qaytish"/> <input type="button" value="Qo'shish"/> <input type="button" value="Tozalash"/>	

24-расм.

Билет рақами, Ф.И.Ш., парол, манзили, электрон почта, туғилған сана, жинси, категорияси, факультети, курс, гурух, паспорт рақами, телефон номери, фойдаланувчининг фотографияси майдонлари (25-расм) түлдирилгач “Qo'shish” тұмаси босилади ва қуидаги натижага эга бўламиз (26-расм).

**Kitobxonlar bo'limi**

**Yangi kitobxon qo'shish**

<b>Bilet raqami</b>	054
<b>F.I.O.</b>	Каримов Аббос Зафарович
<b>Parol</b>	054
<b>Manzil</b>	Тошкент ш. Юнусобод т. 3/5/6
<b>Elektron pochta</b>	akz@mail.ru
<b>Tug'ilgan sana</b>	1988/01/01
<b>Jinsi</b>	Эркак
<b>Kategoriysi</b>	Talaba
<b>Muassasa</b>	Ryekm
<b>Fakultet</b>	Ахборот технологиялари
<b>Kurs</b>	Биринчи курс
<b>Guruh</b>	290-09
<b>Passport raqami</b>	СА 1234567
<b>Telefon raqami</b>	185 12 33
<b>Photografiya</b>	<input type="file"/>
<input type="button" value="Qaytish"/> <input type="button" value="Qo'shish"/> <input type="button" value="Tozalash"/>	

25-расм.

**APMAT**

Ishchi sahifa: Журнал ёки газетанинг  Katolog: Президент асарлари  Uzbekcha · Русский · English

**Kitobxonlar bo'limi**

**Yangi kitobxon qo'shish**

Kod	Bilet raqami	Muassasa	F.I.O.	Kategoriysi		
53	666	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Кодиров Р.М.</a>	Aspirant		
39	0000	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Islomova Н.Э.</a>	Магистрант		
55	4	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Алимов М.</a>	Talaba		
30	00000	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Атаджанов Жасур Абдушарипович</a>	Aspirant		
68	054	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Каримов Аббос Зафарович</a>	Talaba		
14	000	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Каримов У.Ф.</a>	Доцент		
66	88	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Каримов Улугбек</a>	Доцент		
52	555	Респ. йигма эл. кат. маркази	<a href="#">Каримов Улугбек Фозилович</a>	Доцент		

Ko'rsatiladigan soni: 10  Jami: 8 Ko'rsatildi: 10 1


26-расм.

Шундай қилиб, биз Каталоглаштирувчининг АИҮ тизимдан фойдаланувчиларни рўйхатга олишни кўриб чиқдик. Юқоридаги амаллардан кўринадики, Каталоглаштирувчининг АИҮда тизимдан фойдаланувчи учун **логин** ва **парол** берилар экан. Фойдаланувчи дастурнинг Бош саҳифасидаги ЛОГИН ва ПАРОЛ майдонларига ўзига берилган логин ва паролни териши ва “Кириш” тугмасини босиш орқали ўзига берилган АИҮ яъни “Шахсий электрон кабинетига” кириш имкониятига эга бўлади.

### 1.5. “Қидириш” орқали топилган библиографик ёзувни ўзини маълумотлар базасига кўчириб ўтказиш

ARMAT тизими “Kataloglashtiruvchi” чининг автоматлаштирилган иш ўрнида маълумотлар базалари ўртасида экспорт/импорт амаллари ҳам бажарилади. Яъни айрим маълумотлар базасида мавжуд китоб библиографик тавсифларни тизимга қайтадан киритмаслик учун тайёр тавсифни базадан базага кўчириб олиш ҳам мумкин. Бунда каталоглаштириш вақти кескин қисқаради ҳамда юклаб олинган библиографик тавсифга китобнинг нусхалари сони, нархи, инвентар номери ва жойлашган жой номи каби қисқа маълумотларни киритиш билан кифояланади.

